

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Қачон газ учун тўлиқ тўлашга тўғри келади

Вазирлар Маҳкамаси Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритди (ВМнинг 20.10.2018 йилдаги 838-сон қарори).

Эслатиб ўтамиз, Табиий газдан фойдаланиш қоидалари Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган. Президентнинг 11.04.2018 йилдаги ПФ-5409-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан ва истеъмол қилинадиган табиий газ учун ўзаро ҳисоблаш тизимини янада такомиллаштириш зарурати сабабли Қоидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шартномалар янгича тузилади

Илгари истеъмолчи ва газ таъминоти ташкилоти газ етказиб бериш бўйича шартномани тузиш чоғида Қоидалар билан тасдиқланган шартнома (намунавий шартнома) бланкасини далил бўйича тўлдирishлари ва имзолашлари керак эди.

Бунда истеъмолчи фаолиятининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шартномага жиддий ишлов беришга тўғри келар, вазият анча мураккаблашар эди. Қўшимча битимлар тузишга тўғри келар эди. Қоидаларга киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олинса, намунавий шартнома томонлар имзолайдиган ҳужжатни тузиш учун фақатгина бошланғич нукта вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, энди намунавий шартнома «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда Мажбурий ижро бюроси, Ўздавнефтегазинспекция ва Давлат рақобат қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Шартноманинг намунавий шакли Қоидаларга иловалардан чиқариб ташланди.

Хатловдан ўтказиш далолатномасини унутманг

Газ ҳисоблагичини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, давлат қиёсловидан ўтказиш ва соз-

лигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш чоғида энди хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилади. У табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ечиб олиш санасида тузилади. Маиший истеъмолчида ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда хатловдан ўтказиш далолатномаси 3 йилда камида 1 марта тузилади.

Газдан фойдаланганлик учун қачон тўлиқ ҳақ тўланади?

Қоидаларга кўра илгари фақат ўзбошимчалик билан уланганлик далили аниқланган тақдирда тармоққа уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада тўлиқ қувват билан 24 соат ишлаши ҳисобидан келиб чиқиб истеъмол қилинган табиий газ ҳажмларининг қиймати истеъмолчилардан ундирилиши мумкин эди. Энди ушбу амалиёт куйидаги ҳолларда ҳам қўлланилади:

а) ҳисобга олишни нотўғри кўрсатиш мақсадида ҳисобга олиш приборининг конфигурацияси ва созилиги ўзгартириш учун табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборига модем ёки бошқа алоқа воситаларининг рухсатсиз улангани аниқланганда – рухсатсиз аралашилган кундан бошлаб бутун вақт давомида (аралашish ҳолати ва санасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда), лекин даъво муддатидан (3 йил, тахр.) кўп бўлмаган даврда;

б) табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборининг хотирасидан истеъмолчининг айби билан назорат қилинадиган маълумотлар қисман ёки тўлиқ йўқотилишига йўл қўйилганда – маълумотлар йўқотилган вақтдан носозлик аниқланган вақтгача (аралашish ҳолати ва санасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда), вақтни (даври) аниқлаш имкони бўлмаганда – охириги кўрик ёки Бюро ёхуд газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан

бошлаб, лекин даъво муддатидан (3 йил, тахр.) кўп бўлмаган даврда;

в) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда. Ушбу ҳолатда пломбаланмаган газ жиҳозларида фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – Бюро ёки газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан бошлаб амалга оширилади;

г) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда, прибордан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан улашишлар (газ қувурлари, байпас линиялари ва бошқаларнинг яширинча монтаж қилиниши) аниқланганда – охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан (3 йил, тахр.) кўп бўлмаган даврда;

д) ҳисобга олиш прибори бузилганда ёки мавжуд бўлмаганда (истеъмолчи айби билан), пломбалар узилганда ва визуал аниқланадиган табиий газнинг ҳақиқий истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадидаги бошқа қоидабузарликларда (жумладан, ҳисобга олиш приборидан ташқари ёки ундан олдин газ қувурлари ва байпас линиялари уланганда) – 1 ҳисоб-китоб давридан (ой – тахр.) кўп бўлмаган вақтда;

е) истеъмолчи томонидан газлаштириш учун зарур ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан газдан фойдаланиш бўйича қўшимча ускуна ўрнатилганда – 1 ҳисоб-китоб давридан (ой – тахр.) кўп бўлмаган вақтда.

Бунда қоидабузарлик тўғрисидаги далолатномага мувофиқ амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб ҳажми ва суммаси Қоидалар бузилиши билан боғлиқ зарарни ҳисоблаш учун асос ҳисобланади.

Ҳар қандай электр ҳисоблагични сотиб олиш, ўрнатиш ва қиёсловдан ўтказиш – ЭТК ҳисобидан

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўз абонентларининг барча (нафақат ЭХНАТга уланган) ҳисоблагичларини сақлаш харажатларини ўз зиммасига олади. Кўп квартирали турар жойлар ҳамда ётоқхоналарда яшовчи истеъмолчилар электр плиталар ўрнатиш техник шартларда назарда тутилган ҳолдагина электр энергияси ҳақини 50%лик чегирма билан тўлай оладилар.

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ВМнинг 20.10.2018 йилдаги 838-сон қароридан ана шулар назарда тутилган.

Барча учун бепул

Энди, Қоидаларнинг 52-бандига мувофиқ, барча электр энергияси ҳисоблагичларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат қиёслови-

дан ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек мавжудларини (шу жумладан индукцион) алмаштириш ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Илгари ушбу норма фақат

ЭХНАТга уланадиган, яъни замонавий ҳисоблагичларга тааллуқли эди.

Шу муносабат билан истеъмолчилар тегишли хабарномани олганларидан сўнг келгуси қиёслов хизмати учун тўловни амалга оширмаган бўлсалар, уларни электр энергияси учун тўловни белгиланган қувват бўйича тўлашга ўтказиш тўғрисидаги Қоидаларнинг 125-банди ўз кучини йўқотди.

Ўғирланган ёки зарар етказилган ҳисоблагични ким тиклайди?

Ҳисоблагич ўғирланган ёки унга зарар етказилган ҳолларда Қоидаларнинг 98-банди қўлланилади, унга ҳам хонадонлар ичида ўрнатилган ҳисоблагичлар ҳақидаги норма қўшилди. Хонадон

2-бетда

Ушбу сонда:

5-БЕТ

Дебиторлик қарзи қачондан муддати ўтган ҳисобланади?

6-БЕТ

Ходимга янги лавозим мажбуриятлари юкламоқчимиз. Штат жадвалида эса бундай лавозим йўқ

7-8-БЕТЛАР

Уй-жой кодексига қандай ўзгартиришлар киритилди

8-БЕТ

Банк менга ромни ўрнатишга бурчлими?

Ҳар қандай электр ҳисоблагични сотиб олиш, ўрнатиш ва қиёсловдан ўтказиш – ЭТК ҳисобидан



ичида ўрнатилган ҳисоблагични тиклаш истеъмолчининг мажбурияти эканлиги борасида аниқлик киритилди.

Шу билан бирга, зинапоя майдончаларида ўрнатилган ҳисоблагичлар учун илгаригидек ХУМШ ёки уйни бошқарувчи ташкилот жавобгар ҳисобланади.

Электр энергияси учун тарифнинг 50%ини тўлашга ким ҳақли

Овқат тайёрлаш учун электр плиталар билан жиҳозланган кўп квартиралар турар жойлар ва ётоқхона-

лар аҳолисигина, уйнинг неча қаватлигидан қатъи назар, электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 50%и миқдорда тўлов тўлаш ҳуқуқига эга. Илгари фақат 10 қават ва ундан баланд уйларнинг аҳолиси ана шу ҳуқуққа эга эди.

Шуниси муҳимки, электр тармоқларига улаш бўйича техник шартларда аввалбошдан мазкур электр плиталарнинг қуввати ҳисобга олинган кўп квартиралар турар жойлар ва ётоқхоналар аҳолисигина имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу уйларда электр қурилмалари (трансформаторлар, куч кабеллари, тақсимлаш ичтиплари, коммутация



аппаратлари, электр узаткичлар ва бошқаларни) лойиҳалаштириш ва монтаж қилиш техник шартларда кўрсатилган қувватни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари: бизнес учун янгиликлар

Энергиянинг прогноз ҳажмига ҳар йилги буюртманомалар ва намунавий шартномалар бекор қилинди, юкламалар соатлари ва қувват коэффициентини пасайтирилганлиги учун қўшимча маблағларни ундириш тартиби ўзгартирилди (ВМнинг 20.10.2018 йилдаги 838-сон қарорига биноан). Ушбу шарҳда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларидаги тадбиркорлар учун янгиликлар ҳақида сўз юритамиз.

Қоғозбозлик камаяди

Энди электр энергияси истеъмолчилари ҳар йили 1 сентябргача келгуси йил учун электр энергияси истеъмолининг прогнозлаштирилаётган миқдори тўғрисида буюртманома беришлари керак эмас. Буюртманомалар ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига (бундан кейин – ХЭТК) ёки истеъмолчи электр қурилмалари электр тармоқларига уланган электр таъминоти корхоналарига берилар эди. Буни аҳолидан ташқари барча амалга ошириши шарт эди.

Энди истеъмол прогнози ХЭТК томонидан ҳар бир истеъмолчи билан тузилган электр таъминоти шартномаларида кўрсатилган эҳтиёж миқдорлари асосида аниқланади. Бунда иқтисодий ривожланиш, аҳоли сонининг ўсиши ва уй-жой қурилиши ҳисобга олинади.

Реклама, чироқлар билан безатиш, бино ва ишоотларни ёритиш учун электр энергиясини сарфлашга ХЭТКнинг тегишли рухсатнома олиш керак эмас. Бунда истеъмол қуввати аҳамиятга эга эмас.

Бошқа турдаги энергия ўрнига электр энергиясидан фойдаланишни келишиш учун «Ўздавэнергоназорат» инспекциясига ТИА тақдим этиш тўғрисидаги талаб ўз кучини йўқотди. Илгари электр энергиясидан технологик мақсадда иситиш, тижорат мақсадда овқат тайёрлаш, шунингдек, хоналарни иситиш ва иссиқ сув таъминоти мақсадда фойдаланадиган ҳамда электр энергияси учун бир ставкали тариф бўйича ҳисоб-китоб қиладиган барча тадбиркорлар ушбу талабга риоя этишлари шарт эди.

Илгари Қоидаларга илова қилинган электр таъминотининг намунавий шартномалари бекор қилинди. Энди «Ўзбекэнерго» АЖ Мажбурий ижро бюроси, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ҳамда Давлат рақобат қўмитаси билан келишган ҳолда уларни иш-

лаб чиқиш ва тузиш билан шугулланади. Намунавий шартномаларнинг ўзи эса яқунда имзоланадиган ҳужжатни тузиш учун бошланғич нукта ҳисобланади. Газ таъминоти соҳасига ҳам худди шундай ўзгаришлар киритилди.

Ўзаро ҳисоб-китоблардаги янгиликлар

Энди ҳисоблагичларни сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат қиёсловдан ўтказиш ва пломбалаш бўйича барча харажатлар ХЭТК зиммасига юклатилади. Бунда ишбилармон доиралар вакиллари Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларидаги бошқа ўзгариш ва қўшимчаларга ҳам эътибор қаратишлари лозим.

Улар ХЭТК томонидан берилган техник шартлар бўйича ёки электр таъминоти шартномасида кўрсатилган рухсат этилган қувват 50 кВт ва ундан ортиқни ташкил этган I ва II тариф гуруҳлари истеъмолчиларига реактив энергия компенсацияси учун чегирмалар ва устамаларни ҳисоблаб чиқаришга дахлдор.

Биринчидан, Қоидаларга қўшимча қилинган нормага кўра, ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағларни ундириш ҳисоб-китоб даврида электр таъминоти шартномасида кўрсатилганига нисбатан истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қиймати пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг тасдиқлови мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Иккинчидан, ҳисоб-китобларда қўлланиладиган электр тармоқининг катта ва кичик юкламали соатларига тузатиш киритилди. Энди катта юкламали соатлар – соат 6:00 дан 22:00 гача (илгари – соат 7:00 дан 23:00 гача), кичик юкламали соатлар эса – соат 22:00 дан 6:00 гача (илгари – соат 23:00 дан 7:00 гача). Эс-

латиб ўтамиз, тарифларнинг ҳисоб-китоб қилиниши катта ва кичик юкламали соатларга боғлиқ.

Шуни назарда тутиш лозимки, ушбу ўзгаришлар бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган насос станцияларига тааллуқли эмас.

I ва II тариф гуруҳлари истеъмолчилари IV тариф гуруҳи бўйича тўлайдиган ҳоллар мавжуд. Булар – технологик мақсадда электр иситиш, шунингдек биноларни иситиш, иссиқ сув таъминоти ва овқат тайёрлаш учун сарфланадиган электр энергиясининг ҳажми учун тўловлар. Энди ушбу талаблар бюджет ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Маълумот учун:

I тариф гуруҳига уланган қуввати 750 кВт ва ундан ортиқ бўлган, электр энергияси учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилинадиган истеъмолчилар қиради. Бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган насос станциялари бундан мустасно.

II тариф гуруҳига қуйидагилар қиради:

➢ электр энергияси учун бир ставкали тариф бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар, маиший истеъмолчилардан ташқари;

➢ «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ таркибига қирадиган, ҳудудий электр таъминоти корхоналари, шу жумладан ҳудудий электр тармоқлари корхоналаридан электр қуввати оладиган корхона ва ташкилотларнинг, шунингдек, электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ушбу корхоналар ҳудудидан ташқарида алоҳида жойлашган объектларининг хўжалик эҳтиёжлари. Бунда «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ таркибига қирадиган ҳамда электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан хўжалик эҳтиёжлари учун ўзига тегишли тармоқларда электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича фойдаланилган электр энергияси амалдаги таннарх бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.10.2018 йилдан қўлдан кирди.

Олег Гаевой, «Norma» МЧЖ эксперти.

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-2-бетлар
- РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори – «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

- Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 29 сентябрдан 5 октябргача бўлган маълумот 3-4-бетлар
- ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ – Устав фондини кўпайтиришни яқунланг – 180 кундан ортиқ эмас

- Товарнинг таснифи аҳамиятга эга эмас
- Бетон қорғич учун рухсатнома
- Лицензияни қайта расмийлаштиринг!
- Оширилган коэффициентни ҳисобга олган ҳолда
- Ишдан бўшатиш – охириги чора
- Ходимнинг мажбуриятларини кенгайтириш

5-6-бетлар

- СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ – Қисқартирилганлар учун бўш иш ўринлари
- Уй-жой бузилганда фақат мулкдорга компенсация тўланади
- Хусусийлаштирилган турар жой: қандай ўзгариш киритилди
- Натижа битимга боғлиқ

7-8-бетлар



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

— Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРДАН 5 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАШҚИ БОЗОРЛАРГА ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг тўлақонли ривожига тўсқинлик қилаётган гавларни бартараф этиш, экспорт фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришнинг комплекс тизимини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг қуйидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

юридик шахслар — мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан сугурта полисисиз амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар;

юридик шахслар — мева-сабзавот маҳсулотлари экспортдан тушумларни ўз вақтида таъминламаган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда 100 фоизлик олдидан тўлов олиш талаблари уларга қўлланган ҳолда ноҳалол мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилар реестрига киритилмадилар;

тадбиркорлик субъектлари улгуржи савдо қилиш лицензиясига эга бўлмасдан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт тушумларига ягона солиқ тўлови тўланишини назарда тутуви солиққа тортиш тартиби қўлланилади;

экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари божхона кўригидан ўтказилмайди, божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи белгилари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно. Бунда ҳужжатларда мавжуд маълумот-

ларнинг ишончлилиги, шунингдек, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтиш учун экспорт қилувчи жавобгардир;

тадбиркорлик субъектлари ўзларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида сугориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича инфратузилма объектлари қуриш учун енгил конструкцияларни қуриш юзасидан қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишлари мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида сугориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича инфратузилма объектлари қуриш учун енгил конструкцияларни қуриш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда мазкур қарорнинг 1-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими такомиллаштирилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари ваколатли давлат органларига товар-йўл ҳўжатларидаги мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича ҳақиқатда амалга оширилган экспорт операциялари юзасидан ишончли маълумотлар тақдим этганликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортдан тушадиган тушумлар муддатларини бузганликлари учун жавобгардирлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигига қуйидаги қўшимча функциялар юклатилсин:

мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

*Ушбу қарор Қонун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 18.10.2018 йилдан қўчға кирди.

салоҳиятли ҳамкорлар излаш, анъанавий ва янги сотиш бозорларига чиқиш учун имкониятлар яратиш, шунингдек, зарурат бўлганда экспорт шартномаси бажарилишини устулбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширишга амалий ёрдам кўрсатиш;

ташқи бозорларда мева-сабзавот маҳсулотларининг нарх конъюнктурасини тизимли асосда ўрганиш, шу жумладан, ҳудудларга чиққан ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар билан ҳар ойда учрашувлар ўтказиш, шунингдек, ўрганиш натижалари, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт нархлари даражаси тўғрисидаги маълумотларнинг ўз расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини ташкиллаштириш;

ҳар ойда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчиларга асосий сотиш бозорлари бўйича таҳлил натижалари ва прогнозларини, хусусан, нарх конъюнктурасининг ўзгаришлари, белгиланган пунктлар кесимида юклаш ҳажмлари ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини импорт қилишда техник талаблар тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш орқали тақдим этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил икки ҳафта муддатда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар ҳамда экспорт қилувчиларга **Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар уюшмасини** ташкил этишлариغا қўмақлашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар интернет тармоғида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблаглари тхсобида «TradeUzbekistan.com» электрон савдо майдончаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган, шу жумладан:

мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар, салоҳиятли импорт қилувчилар, янги узилган, қуритилган ҳамда қайта ишланган экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотлари турлари ва ҳажмлари, мева-сабзавот маҳсулотлари учун қўчатлар, уруғлар ҳамда ўғит етказиб бериувчилар тўғрисидаги маълумот акс этувчи;

экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг турлари, ҳажмлари, суммаси ва етиштириш ҳудудлари кесими тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, экспорт жараёнининг барча босқичларини реал вақт режимида кузатиш имконини бериувчи **Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталини** ишлаб чиқсин ва ишга туширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, бошқа масъул вазирлик ва идоралар **Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталига доимий асосда ўз вақтида зарур маълумотлар киритилишини таъминласин.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

масъул вазирлик ва идоралар томонидан тегишли маълумотларнинг Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталига ўз вақтида киритилиши устидан мониторингни амалга оширсин;

Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталини тақомиллаштириш, узлуқсиз фаолият кўрсатиши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан доимий асосда чоралар кўрсин.

8. Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари **мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга экспорт қилувчининг ҳудудий мансублигига қараб тўққинлик қилганлиги учун шахсан жавобгарлиги тўғрисида** қатъий огоҳлантирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар етакчи хорижий компаниялар билан музокаралар олиб борсин ва яқунлари бўйича республика бўйлаб ҳамда чет элда маҳаллий мева-сабзавотларни реализация қилиш замонвий транспорт-логистика мажмуалари – «хаб»ларни ўз ичига олган савдо майдончаларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида яратиш бўйича дастлабки лойиҳасини ишга тушириш борасида аниқ тақлифлар киритсин.

10. Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2018 йил якуни бўйича экин майдонларини оптималлаштириш доирасида, жумладан, қисқартирилаётган пахта ва дон экинлари майдонлари негизда яратилаётган, мева-сабзавотларни етиштириш, тайёрлаш, саралаш, калибшлаш, қадоқлаш ва экспортга йўналтиришга мўлжалланган кластерларнинг манзилли рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги республикада мева-сабзавот етиштириш бўйича кластер тизимининг ҳолатини, жумладан, илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, чуқур таҳлил қилсин, натижаси юзасидан 2019 йил 1 декабрга қадар кластерлар самарали фаолият юритишида мавжуд тўққинларни бартафариқ этиш ва ушбу соҳани янада тақомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлифлар киритсин.

11. «Ўзстандарт» агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ўч ой муддатда «Global GAP», «Halal» ва «Organic» стандартлари талабларига мувофиқликка сертификатлаштириш бўйича ҳалқаро тан олинган ташкилотлар билан ҳамкорлик ўратсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар ҳалқаро стандартлар талабларига мувофиқ бўлган органик ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни ривожлантириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар мамлакатда «Global GAP», «Halal» ва «Organic» стандартлари талабларига мувофиқ мева-сабзавот етиштирувчи маҳаллий корхоналарни сертификатлаш бўйича мутахассисларни тайёрлашни ташкил этсин.

12. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш бўйича замонвий логистика менежменти механизмларини жорий этиш чораларини кўрсин, жумладан:

а) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ 2019 йил 1 январга қадар:

«ягона дарча» тамойили асосида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича темир йўл ҳужжатларини жўнаш станциясида расмийлаштириш ишларини ташкил этсин; мева-сабзавот маҳсулотларини юклаш ва тушириш бўйича тариф ва хизматлари маҳсулот хусусиятларини инобатга олган ҳолда соддалаштириш юзасидан қайта кўриб чиқсин; юк жўнатувчилари ва юк эгалари буюртмалари асосида юк етиб бориш мuddати ва ҳаракатланиш чоғида вагоннинг жойлашган ерлари тўғрисидаги маълумотларни узатиш бўйича механизмини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари учун тегишли буюртма келиб тушган кундан бошлаб уч суткадан ошмаган мuddатда вагон ажратиш тартибини жорий этсин;

б) «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК 2019 йил 1 июнга қадар мева-сабзавот маҳсулотларини вақтинчалик сақлаш жойларини тағлиққа қадоқлашнинг халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ва уларнинг ўтказиш қўйилтирини таъминлайдиган замонавий музлаткич ва сканерловчи ускуналар билан қайта жиҳозласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда «Ўзгазоэкспорт» АЖ фаолиятини танқидий ўрганиб чиқиб, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар киритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: икки ҳафта мuddатда мазкур қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда, жумладан, ноҳалол мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар реестрини юритиш тартибини назарда тутувчи Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги аниқланган низомнинг тасдиқланишини;

2019 йил 1 январига қадар мамлакатнинг чегара ҳудудларида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари учун замонавий ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмалар, шунингдек, «ягона дарча» тамойили асосида зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ва логистика хизматлари мавжуд бўлган махсус зоналарни тузиш масаласи ишлаб чиқилишини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар товар омборхоналари томонидан бериладиган омборхона гувоҳномаларига мувофиқ мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилар ва етиштирувчилар учун тижорат банклари томонидан кредитлар бериш механизминини жорий этиш масаласи ишлаб чиқилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар хорижда мева-сабзавот маҳсулотлари реализация қилиниши борасидаги реал ҳолатнинг, экспорт қилувчилар учун мавжуд нуқсонли шартлолларнинг, жумладан, улар билан мулоқот ўрнатиш орқали чуқур ўрганилишини;

2019 йил 1 мартга қадар ўтказилган ўрганишлар якуни бўйича экспорт қилувчилар учун мавжуд нуқсонли шартлолларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини;

2019 йил 1 мартга қадар Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тасдиқланишини таъминласин.

15. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари (Отажонов) – тармоқнинг жадал ривожланишига ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчиларнинг барқарор фаолият

юритишига тўққинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари (Мирзаев) – рақобатбардор мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишнинг диверсификация қилинишини таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазири (Ходжаев) – маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича экспорт қилувчиларга кўмаклашиш, шунингдек, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш учун;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазири (Юсупов) – табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва инновацион технологияларни жорий этиш, жумладан, интенсив етиштириш технологияларини қўллаш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш ҳажминини оширишни таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси (Азимов) – экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотларини божхона ҳўжатларини ўз вақтида расмийлаштириш, шунингдек, ноҳалол мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар реестри юритилишини таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи (Иргашев) – экспорт қилинувчи мева-сабзавот маҳсулотларининг лаборатория экспертизаси ва карантин текширувини ўз вақтида таъминлаш учун;

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ (Сагдуллаев) ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК (Ҳакимов) раҳбарлари – мева-сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида ва сифатли чет элга етказиб бериш учун халқаро стандартларга мос инфратузилма яратиш учун;

Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари – мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва экспорт қилувчилари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш ва экспортга жўнатиш кластер тизимини жорий этишга кўмаклашиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мазкур қарор талаблари ижросини тизимли назорат қилиб босин ва айбдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:

қонун ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳўқуқий ҳўжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.С.Отажонов ва З.Т.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 17 октябрь,
ПҚ-3978-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРДАН 5 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 августдаги 220-сон «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган маҳсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 26 августдаги 01-02/12-58-сон «Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари устидан божхона назорати қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 896-4.

3. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 6 сентябрдаги 181-мқ-сон «Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 17 сентябрдаги 128, 31, 2018-69, 27/18-сон «Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвес-

торлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2114-2.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 октябрдаги 477-мқ-сон «Тошкент давлат юридик университетининг магистратурасига қабул қилишда ёзма имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2491-2.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 августдаги 2018-68-сон «Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3075.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИКАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруvinинг «Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарор (рўйхат рақами 2114, 2010 йил 23 июнь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2114-1, 2017 йил 16 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 4 октябрдаги 476-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Тошкент давлат юридик университетининг магистратурасига қабул қилишда ёзма имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ (рўйхат рақами 2491, 2013 йил 26 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2491-1, 2016 йил 12 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 октябрдаги 477-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Реклама



«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

МЧЖ 10 млн сўм миқдоридаги устав фондини тўлиқ шакллантирди, муассислар – 20%, 20% ва 60%лик улушга эга уч нафар жисмоний шахс. Муассислар умумий йиғилишининг баённомаси билан у 250 млн сўмгача кўпайтирилиши эълон қилинди. Муассислардан бири ўз улушини кўпайтириш ҳисобига 70 млн сўм миқдоридаги пул маблағларини қисман киритди. Энди шу муассиснинг ўзи улушининг бир қисmini тўртинчи жисмоний шахсга сотаяпти. Таъсис ҳужжатларини қайта рўйхатдан ўтказиш керак.

10 млн сўмлик умумий устав фондига эга бўлган ҳолда фақат янги муассисни киритиш йўли билан қайта рўйхатдан ўтказиш мумкинми? Ёки 80 млн сўмлик суммадаги қўшимча ҳиссаларни ҳисобга олган ҳолда устав фондини рўйхатдан ўтказиш зарурми?

Устав фондини кўпайтиришни якунланг

– Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади («Масъуляти чекланган ҳамда қўшимча масъуляти жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси 1-қисми).

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият барча иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар қўшиш ҳисобига устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарориди:

- қўшимча ҳиссаларнинг муайян умумий қиймати;
- жамият ҳар бир иштирокчисининг қўшимча ҳиссаси қийматининг миқдори;
- иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссаларни тўлиқ қўшиш муддати белгиланиши керак (Қонуннинг 18-моддаси 1-қисми).

Устав фонди кўпайтирилиши муносабати билан таъсис ҳужжатларидаги ўзгаришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар, шунингдек жамият иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар ва учинчи шахслар томонидан ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўшилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга таъсис ҳужжатларига ўзгаришлар иштирокчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган кундан эътиборан 1 ойдан кечиктирмай тақдим этилмоғи лозим (Қонуннинг 18-моддаси 7-қисми).

Ушбу муддатга риоя этилмаган тақдирда ёҳуд қўшимча ҳиссалар барча иштирокчилар томонидан тўлиқ қўшилмаган ёҳуд қўшимча ҳиссалар умумий қийматининг дастлабки белгиланган миқдорини камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинмаган тақдирда, устав фондининг кўпайтирилиши амалга ошмаган деб эътироф этилади. Бу ҳолда жамият 10 кунлик муддат ичида иштирокчиларга улар томонидан киритилган қўшимча пул ҳиссаларини қайтариши шарт (Қонуннинг 18-моддаси 8-қисми).



Жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўлангунга қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин (Қонуннинг 20-моддаси 3-қисми).

Хулосалар:
1) аввал иштирокчилар қўшимча ҳиссаларни шакллантиришлари ва таъсис ҳужжатларини қайта рўйхатдан ўтказишлари лозим;

2) шундан сўнг иштирокчилардан бири улушни (улушнинг бир қисmini) учинчи шахсга бериб, янги (тўртинчи) иштирокчи назарда тутилган таъсис ҳужжатларини қайта давлат рўйхатидан ўтказиши.

180 кундан ортиқ эмас

Импорт контрактлари бўйича дори воситалари етказиб берилди. Етказиб берилгандан кейин қайси муддатдан бошлаб контрактлар бўйича дебиторлик қарзининг муддати ўтказиб юборилган ҳисобланади?

Импорт контрактлари бўйича тўловни кечиктиришнинг энг кўп муддати неча кунни ташкил этади?

– Қонун ҳужжатларида бундай муддат белгиланмаган.

Товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва «Эркин муомала учун чиқариш» режимига расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ёки импорт контрактлари бўйича улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 календар кундан ортиқ бўлмаслиги керак (Низомнинг 13-банди, ВМнинг 30.09.2003 йилдаги 416-сон қарорига 1-илова).

Бунда қонун ҳужжатларида товарни импорт қилган корхоналар счётларига тушум келиб тушишининг чекланган муддатлари юзасидан талаблар белгиланмаган.

Товарнинг таснифи аҳамиятга эга эмас

Корхонамиз Россия Федерациясидаги юридик шахсдан ёғоч-тахта материалларини сотиб олди. Ушбу мақсад учун банкдан кредит олганмиз. Ҳозир ёғоч-тахта материалларини ички бозорда маҳаллий корхоналарга реализация қилмоқчимиз. Бироқ солиқ инспекциясидагилар бундай қилишга ҳақли эмаслигини айтишмоқда, Президентнинг 17.01.2018 йилдаги ПҚ-3479-сон қарорига мувофиқ товар биржа орқали реализация қилиниши керак экан.

Монополист корхона бўлмасак ҳам бу товарни биржа орқали реализация қилишимиз керакми?

– ТИФ ТНнинг 4403, 4404, 4406, 4407 кодлари бўйича таснифланган ёғоч-тахта материаллари фақат биржа савдолари орқали реализация қилинади (Рўйхатга изоҳ, 17.01.2018 йилдаги ПҚ-3479-сон қарорга 3-илова).

«Қишлоқ қурилиш инвест ИК» МЧЖ томонидан олиб кириладиган (Рўйхатга изоҳ), шунингдек «Қишлоқ қурилиш

инвест ИК» МЧЖга реализация қилинадиган ёғоч-тахта материаллари бундан мустасно (ПҚ-3479-сон қарорнинг 10-банди).


Шу сабабли сотиб олинган ёғоч-тахта материаллари кўрсатилган кодлар бўйича таснифланса, юқорида тилга олинган ҳоллардан ташқари, бундай маҳсулотларни биржа савдолари орқали реализация қилиш лозим.

Бетон қорғич учун рухсатнома

Қурилиш майдончасида бетон қорувчи узел (БҚУ) уни суе билан таъминлаш учун бургуланган қудуқ билан бирга жойлаштирилган.

БҚУни ўз ҳудудида жойлаштириш тўғрими?

БҚУни ўрнатиш ва ундан фойдаланиш учун қандай рухсат берувчи ҳужжатлар (лицензиялар, сертификатлар) зарур?



– Ҳа, бетон қорувчи узелни ўз ҳудудида жойлаштириш мумкин.

Бетон қорувчи узел (қурилма) асбоб-ускуналарга кирди. 2018 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш манзилли дастурида (3.02.2018 йилдаги ПҚ-3507-сон қарорга 4-илова) баён этилган ахборотдан ана шундай хулосага келиш мумкин.

Дастурнинг 16-бандида ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш – Дававтойлўқум корхоналари учун асфальт-бетон, цемент-бетон заводлари, бетон қорувчи қурилмалар, майдалаш-навларга ажратиш линиялари, шунингдек бошқа асбоб-ускуна ва техника сотиб олиш назарда тутилган.

БҚУ ТИФ ТН кодларининг 84-гурухига (8474-кичик гурухига) киритилган. Мазкур асбоб-ускуна санитария-эпидемиологик хулосага мос келмайди (Рўйхат, ВМнинг 30.12.2012 йилдаги 379-сон қарорига 1-илова), шунингдек мажбурий сертификатлаштирилмайди (Рўйхат, ВМнинг 28.04.2011 йилдаги 122-сон қарорига 1-илова).

Қонун ҳужжатларида ўз ҳудудида бетон қорувчи қурилмани жойлаштириш учун рухсат берувчи ҳужжат ёки лицензия олиш назарда тутилмаган (Рўйхат, ОМнинг 12.05.2001 йилдаги 222-II-сон қарорига 1-илова; Рўйхат, ВМнинг 15.08.2013 йилдаги 225-сон қарорига 1-илова).

Бунда сувга қудуқларни бургулаш учун рухсатнома олиш зарур (Низом, ВМнинг 27.06.2017 йилдаги 430-сон қарорига 1-илова).

Рухсатнома олиш куйидагилар учун талаб қилинмайди:

- жисмоний шахслар учун чуқурлиги камида 25 метргача бўлган қудуқларни бургулаш учун ва суткасига кўпи билан 5 куб метр ҳажмдаги ер ости сувларини шахсий эҳтиёжлар учун индивидуал олишга қаратилганда;
- Давлат геология қўмитасига қарашли гидрогеология ташкилотлари учун ер ости сувларига қудуқларни бургулаш ҳар йилги минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастури доирасида амалга оширилганда (Низомнинг 5-банди).

Қўшимча равишда сувдан махсус фойдаланиш ва (ёки) сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома олиш лозим (Маъмурий регламент, ВМнинг 31.03.2018 йилдаги 255-сон қарорига 3-илова).

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўлланган ҳолда амалга ошириладиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли сувдан махсус фойдаланиш ва махсус сув истеъмолидир («Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси 3-қисми, 21-1-моддаси 3-қисми).

Президентнинг 17.07.2017 йилдаги ПҚ-3137-сон қарорига мувофиқ, дорихоналар 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишни амалга ошириш лицензияларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида қайта расмийлаштиришлари шарт.

ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тайёр дори воситаларини чакана сотиш учун берган, амал қилиш мuddати 2020 йилгача бўлган лицензиялар ҳақиқий ҳисобланадими?

Лицензияни қайта расмийлаштирмасдан фаолиятни давом эттириш қонунийми?

Лицензияни қайта расмийлаштиринг!

– Йўқ, лицензияни қайта расмийлаштирмасдан ишлаш мумкин эмас.

Қонун ҳужжатларида белгиланишича, дорихоналар 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишни амалга ошириш лицензияларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида қайта расмийлаштиришлари шарт эди (17.07.2017 йилдаги ПҚ-3137-сон қарорининг 2-банди).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Адлия вазир-

лиги билан биргаликда ушбу муддатга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш фаолиятини лицензиялаш бўйича янгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда дорихоналарнинг амалдаги лицензиялари қайта расмийлаштирилишини таъминлаш вазифаси топширилган (ПҚ-3137-сон қарорининг 7-банди).

Лицензияларни қайта расмийлаштириш заруратини янгиланган талаблар ва лицензияловчи орган ўзгаргани тақозо этгани сабабли (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 12.05.2017 йилдаги 284-сон қарорига 1-илова) жорий лицензияни қайта расмийлаштириш зарур.



Оширилган коэффицентни ҳисобга олган ҳолда

МЧЖнинг асосий фаолият тури – нотуар жойларни ижарага бериш. Корхона балансида 2 x 1 000 кВА ўз трансформатор подстанцияси бор. Биз ТошшаҳарЭТК билан шартнома тузганмиз, 1 тариф гуруҳи истеъмолчиси ҳисобланамиз (1 кВт учун 228,6 сўм). Ҳозир жойни умумий овқатланиш хизматларини кўрсатадиган юридик шахсга ижарага бераямиз. Ижарага олувчининг овқат тайёрлаш ускунаси қисман электр энергиясида ишлайди. Электр энергияси ҳақи ҳисоблагич бўйича 1 кВт учун 228,6 сўмдан келиб чиқиб тўланади.

Ижарага олувчи электр энергияси истеъмолини қайси тариф бўйича қоплаши лозим – 14.03.2018 йилдаги 19-03-22-06-ЎЗР-6-2018-сон тарифлар реестрига (4-гуруҳ) мувофиқ ёки амалдаги тарифга нисбатан 1,6 коэффицентни қўллаган ҳолда ВМнинг 28.12.2017 йилдаги 1025-сон қарорига мувофиқ?

– Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган ресторанлар, кафе, тантаналарни ўтказиш объектлари ва бошқа умумий овқатланиш объектлари (меҳмонхоналар ва уларга тегишли бўлган ҳудудда жойлашган объектлар бундан мухтасасно) амалдаги тарифга нисбатан оширилган коэффицентни ҳисобга олган ҳолда электр энергияси ҳақини тўлайдилар (ВМнинг 28.12.2017 йилдаги 1025-сон қарори билан тасдиқланган Рўйхат).

Шу тариқа, ижарага олувчининг умумий овқатланиш ташкил этиш билан боғлиқ электр энергиясига харажатлари ушбу норматив ҳужжат шартларига риоя этган ҳолда ижарага берувчига қоплаб берилиши керак.

Александр Лобанов, «Норма» МЧЖ эксперти.

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК-ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талғимаржон кўч., 1/1.
Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

КАДРЛАР БЎЛИМИ

Ишдан бўшатиш – охирги чора

Ишда жанжаллашиб қолиб, ўз хоҳишимга кўра ишдан бўшаш ҳақида ариза ёздим. Уша кундан бери ишга чиқмаяпман.

Иш берувчи мени прогул учун ишдан бўшатиши мумкинми?

– Ҳа, агар оқловчи ҳужжатлар (масалан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, ҳарбий комиссариатнинг чақирув қоғози ёки узрли сабабга кўра ишда бўлмаганлик сабабини тасдиқловчи бошқа оқловчи ҳужжат ва ҳ.к.) бўлмаса, мумкин.

Бироқ ходим прогул қилганда меҳнат шартномасини бекор қилиш мажбурий эмас, бу иш берувчининг ҳуқуқидир.

Иш берувчи ходим прогул қилганлиги учун уни интизомий жазо билан умуман жазоламаслиги мумкин. У бошқа таъсир чораларини ҳам танлаши – ходимни рағбатлантирмаслиги мумкин.

Ходимнинг мажбуриятларини кенгайтириш

Компаниямизда аппарат раҳбари – мансабдор шахслар ўз ваколатларини самарали ва аниқ ташкил этган ҳолда бажаришлари имконини берувчи шарт-шароитлар яратиш учун иш бошқарувчини тайинлаш зарур. Бироқ штат жадвалимизда бундай лавозим йўқ.

Олий маълумотли ходимимиз бор. Бироқ унинг лавозим мажбуриятларида бундай функция қайд этилмаган. Ходим кўшимча ҳақ тўланса, масъул этиб тайинланишга рози.

Бизнинг ҳолатда кўшимча мажбуриятлар юклатилганлиги ва кўшимча тўловни қандай расмийлаштирган маъқул?

– Ходим томонидан меҳнат шартномасида кўрсатилган ўзининг асосий иши билан бир қаторда айна шу ташкилотда асосий касб ва лавозим бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақти давомида ўша касб ва лавозимдаги кўшимча ишларни бажариш бир неча касбда (лавозимда) ишлаш, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш, ишлар ҳажмини кўпайтириш ҳисобланади (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 20-банди). Бошқа касб (лавозим) бўйича кўшимча иш бир неча касбда (лавозимда) ишлаш билан амалга оширилиши мумкин, худди шундай касб (лавозим) бўйича эса – хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш ёки ишлар ҳажмини кўпайтириш йўли билан.

Шу тариқа, ходим белгиланган иш вақти (сменаси) давомида бошқа ёки худди шундай касб (лавозим) бўйича кўшимча ишни бажариши мумкин.

Компания штат жадвалида иш бошқарувчи лавозими йўқлиги сабабли қўриб чиқилаётган вазиятда бир неча касбда (лавозимда) ишлашни қўллаб бўлмайди.

Хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш ходимга кўшимча мажбурият-

лар юклатилишини назарда тутати. Иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга ҳилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас (МКнинг 177-моддаси 2-қисми). Шу сабабли ходимга аппаратга раҳбарлик қилиш – иш бошқарувчилик бўйича кўшимча ишни фақат унинг розилиги билан топшириш мумкин.

Қўриб чиқилаётган вазиятда меҳнат шартномасига кўшимча битим тузиб, унда хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш ёки ишлар ҳажмини кўпайтириш йўли билан ишларни бажариш учун масъул сифатида ходимнинг кўшимча мажбуриятларини кўрсатиш лозим. Ушбу кўшимча битимда ходим кўшимча ишни бажарадиган муддатни, унинг мазмунини ва ҳажминини, шунингдек ходимга белгиланган кўшимча ҳақ миқдорини кўрсатиш лозим.

Қўйидаги ходимлар тоифалари учун касблар ва лавозимларда бир неча касб ва лавозим асосида ишлашга, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга, ишлар ҳажмини кўпайтиришга йўл қўйилмайдиган:

➤ давлат бошқаруви органлари ходимлари (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари);

➤ давлат бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган бюджет ташкилотларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек ушбу ташкилотлар таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мухтасасно (Низомнинг 26-банди).



Абдусалом Рисқуллаев, «Норма» МЧЖ бош эксперти.

Қисқартирилганлар учун бўш иш ўринлари

Меҳнат шартномаси ходимлар сони (штати) қисқартирилиши муносабати билан бекор қилинганда иш берувчи юқоридаги асосга кўра огоҳлантиришнинг бутун муддати давомида ходимни ишга жойлаштириш чораларини кўриши лозим.

Агар объектив сабабларга кўра (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин (МКнинг 92-моддаси 2-қисми).



Қисқартирилаётган ходимни ишга жойлаштириш мақсадида унинг розилигига кўра уни ушбу даврда ўриндошлик асосида ишловчи ходим бажараётган ишга ўтказиш мумкин. Бу ҳолда МКнинг 100-моддаси 2-қисми 5-банди бўйича ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан ўриндош билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Шу тариқа, иш берувчи қисқартирилаётган ходимларни иш билан таъминлаш учун корхонада мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланиши керак. Шу сабабга кўра асосий ходим (масалан, бола туғилганлиги ва уни парвариш қилиш учун таътилга чиққан аёл) йўқлиги муносабати билан вақтинча бўш иш (лавозим)ни таклиф этиши лозим. Бироқ бу ҳолда қисқартирилаётган ходимга фақат иш билан таъминлаш мақсадида вақтинча – асосий ходим қайтгунча муддатли меҳнат шартномаси шартларида ушбу ишга ўтказилганлигини тушунтириш керак, сабаби иш жойи (лавозими) сақланиши лозим бўлган ходимнинг ишда бўлмаган вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади (МКнинг 105-моддаси 3-қисми).

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma» МЧЖ бош эксперти.

Реклама

**«КИЧИК
КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН
БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбекистондаги қўлланмасининг
ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тошкент ш. Миробит тумани, Таълимаржон
кўча, 1/1. Тел. (71) 200-90-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

11.10.2018 йилдаги ЎРҚ-497-сон Қонун билан юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Уй-жой бузилганда фақат мулкдорга компенсация тўланади

Қабул қилинган Қонунга биноан Уй-жой кодексининг 27 ва 28-моддаларига тузатишлар киритилган.

Қонун ҳужжатларида ер участкалари олиб қўйилганда ва уларда жойлашган яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк бузилганда тўланадиган компенсациянинг 7 хил тури назарда тутилган (УЖКнинг 27–31-моддалари; 29.05.2006 йилдаги 97-сон ВМҚ билан тасдиқланган Низомнинг 3-банди).

Бироқ амалиётда бузилаётган уй-жой мулкдорларига ҳам, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек улар билан бирга доимий яшаётган фуқароларга ҳам қўйидагича компенсация тўлаш усуллари кенг тарқалган:

➤ ижтимоий нормадан кам бўлмаган майдонга эга бўлган тенг қийматли бошқа обод уй-жойни мулк қилиб бериш ёхуд бузилаётган кўчмас мулк ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматини тўлиқ тўлаш;

➤ ер участкасини ўзлаштириш даврига 3 йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой бериб, яқка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида (оилага 0,06 гектаргача) ер участкаси бериш ва бузилаётган кўчмас мулкнинг бозор қийматини, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бозор қийматлари ўртасидаги фарқни тўлаш (берилаётгани олиб қўйилаётганидан арзонроқ бўлса).

Маълумот учун: иккала ҳолда ҳам уй-жойлар давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан бузилади, уларнинг тўлиқ рўйхати Президентнинг 1.08.2018 йилдаги ПФ-5495-сон Фармонида келтирилган (3-банд).

Қўриниб турибдики, бузилаётган уй ўрнига бошқа уй берилаётганда бир вақтнинг ўзида 2 та талаб бажарилиши лозим:

➤ у тенг қийматли, яъни бузилаётган уй-жой (квартира) нархига тенг бўлиши;

➤ унинг майдони ижтимоий нормадан кам бўлмаслиги – 1 кишига камида 16 м² бўлиши лозим.



Бузилаётган уй-жой мулкдори билан бирга қанча кўп оила аъзолари ва бошқа шахслар доимий яшасалар, иккала кўрсатмага бир вақтнинг ўзида риоя этиш мушкул кўринади. Қонунда мулкдорга қимматроқ уй-жойни компенсациялаш учун фарқни 5 йил давомида қўшимча тўлаш имконияти берилиши назарда тутилган бўлса ҳам, ушбу нормани амалга оширишнинг аниқ механизми кўрсатилмаган. Бошқача айтганда, мазкур фарқни тўлаш мажбуриятини расмийлаштириш ва бажарилишини таъминлаш тартиби белгиланмаган.

Бузилаётган кўчмас мулкнинг бозор қиймати пул билан компенсацияланганда уни қандай: мулкдорга, унинг оила аъзоларига ва у билан доимий яшовчи шахсларга тенг улушларда ёхуд уй-жойни сақлаш харажатларидаги улушларига мутаносиб равишда тўлаш кераклиги белгиланмаган эди.

Ушбу муаммолар бузилаётган уй-жойлар мулкдорлари, уларнинг қариндошлари ва улар билан бирга доимий яшовчи кишилар, шунингдек ер участкаларини олиб қўйиш ва уларда жойлашган иморатларни бузиш тўғрисида қарорлар қабул қилувчи давлат органлари ўртасида низолаб юзга келишига ва ишлар судда кўрилишига олиб келар эди.

Киритилган тузатишлар натижасида Уй-жой кодексининг 27, 28-моддаларида назарда тутилган компенсациялаш усуллари фақат уйлар (квартиралар) мулкдорларига нисбатан қўлланиладиган бўлди.

Хусусийлаштирилган турар жой: қандай ўзгартириш киритилди


Қонун билан Уй-жой кодексининг 32-моддасига ҳам қўшимча киритилди, у 2019 йилнинг 1 январидан кучга киради.

У қуйидагича баён этилган: уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахснинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи унинг вафотидан кейин очиладиган мерос таркибига қирмайди.

Ушбу норма кимларга тааллуқли? Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш жараёнида 2 тоифадаги субъектлар иштирок этади:

➤ мулкдорлар – уй-жойни шахсан сотиб олган ёхуд уй-жой бепул берилган («Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 7, 8-моддалари; 19.08.1992 йилдаги ПФ-455-сон Фармоннинг 1-банди; ВМнинг 1.03.1993 йилдаги 114-сон қарори 8-банди ва бошқалар) ҳамда мулк ҳуқуқига доир давлат ордери уларнинг номига расмийлаштирилган фуқаролар;

➤ хусусийлаштиришга розилик берган шахслар – хусусийлаштириш пайтида уй-жойда прописка қилин-



ган, хусусийлаштириш учун аризада кўрсатилган ва унга «Розиман» дея қайд этиб имзо чеккан барча вояга етган фуқаролар.

Кейингилари фақат хусусийлаштирилган турар жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар, бироқ унга бўлган мулк ҳуқуқини ол-

8-бетда

Хусусийлаштирилган турар жой: қандай ўзгартириш киритилди

7-бетда майдилар. Бироқ Қонун хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш, айирбошлаш, ҳада қилиш ёки ижарага, арендага бериш учун уни хусусийлаштиришга розилик берган барча шахсларнинг розилигини талаб қилади. Умумий қоидада кўра бу – умумий мулк аломати (ФКнинг 218, 225-моддалари). Эҳтимол, шу сабабга кўра Олий суд Пленуми хусусийлаштиришга розилик берган барча шахсларни хусусийлаштирилган турар жойнинг биргаликдаги мулкдорлари, турар жойнинг ўзини эса уларнинг умумий мулки дея эъ-

тироф этади (ОСПнинг 2.05.1997 йилдаги 3-сон қарори 16-банди).

Етарлича зиддиятли вазият юзага келиб, у қонун ижодкорларини Уй-жой кодексининг 32-моддасига аниқлик киритишга мажбур қилди.

Янгилик мулкдорларга дахл этмайди – мулк ҳуқуқи илгаригидек умумий тартибда мерос қилиб олиниши мумкин (қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам, – тахр.). Шу сабабли, агар квартира (уй) улушли мулк ҳуқуқида бир нечта вояга етган оила аъзолари номига рўйхатдан ўтказилган бўлса (Қоидаларнинг

11-банди, 114-сон ВМҚнинг 2-илоvasи), уларнинг ҳар бири тенг даражада ўз улушини мерос қилиб бериши мумкин.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 12.10.2018 йилдан қучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Натижа битимга боғлиқ

2014 йилда янги қурилган 4 қаватли уйдаги квартирани ипотека кредити асосида менга сотиш ҳақида банк билан дастлабки шартнома туздим. Дастлабки шартномада олинанидан квартирани харидор ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаш мажбуриятини олиши кўрсатилган. Кейинчалик ипотека кредити бўйича квартиранинг асосий олди-сотди шартномаси тузилди. Унда харидор ўз ҳисобидан квартирани лозим ҳолатга келтириши қайд этилмаган. 2017 йилгача ипотека кредити ва у бўйича фоизларни зўрга қопладим. Квартира хомаки сувоқ қилинган, фақат ташқи ойналари ўрнатилган. Эшиклар (5 та), сантехника йўқ, пардозлаш ишлари амалга оширилмаган. Уй пудрат ташкилоти томонидан банк маблағлари ҳисобига қурилган. Банк менга кадастр ҳужжатлари ва эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи ордерни топширди. Қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилмади.

Асосий шартнома дастлабки шартнома қоидаларини бекор қилади-ми? Банк квартирани менга яшаш учун яроқли ҳолатда топшириши шартми?

Ўрнатилмаган ускуналар суммаси ва бажарилмаган ишлар қийматини банкдан ундира оламанми?

– Мавжуд вазиятда қандай битим расмийлаштирилганлигига қараб турли ҳуқуқий оқибатлар юзага келади.

Турар жойнинг дастлабки олди-сотди шартномаси

Квартирани (квартиранинг бир қисмини) сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (ФКнинг 488-моддаси 2-қисми).

Дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар.

Дастлабки шартнома асосий шартнома учун белгиланган шаклда тузилади. Дастлабки шартноманинг шакли тўғрисидаги қоидаларга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади (ФКнинг 361-моддаси 1, 2-қисмлари).

Дастлабки шартнома ҳам нотариал тартибда тасдиқланиши керак, акс ҳолда ҳақиқий эмас деб тан

олинади. Тегишинча, сотувчидан у бўйича мажбуриятлар бажарилишини талаб қилишнинг имкони бўлмайди.

Бу ҳолда асосий олди-сотди шартномаси қоидаларига амал қилиш лозим.

Сотувчи сотиб олувчига сифати олди-сотди шартномасига мос келадиган товарни топшириши шарт.

Олди-сотди шартномасида товарнинг сифати тўғрисидаги шартлар кўрсатилмаганда, сотувчи сотиб олувчига белгиланган мақсадлар учун яроқли бўлган товарни топшириши шарт (ФКнинг 402-моддаси 1, 2-қисмлари).

Сизнинг вазиятда сотувчидан шахрсозлик нормалари (ШНҚ 2.08.01-05, Давархитектура қурилиш қўманинг 7.12.2005 йилдаги 67-сон буйруғи билан тасдиқланган) билан белгиланган яшаш учун яроқли шароитларни яратишни талаб қилишга ҳақлисиз.



Шартномаларнинг бошқа тури

Мисол учун, бу қурилишда улушли иштирок этиш бўлиши мумкин. Бу турдаги шартнома доирасида тарафлар, турар жойнинг олди-сотди шартномаси-

да акс эттирилган-акс эттирилмаганлигидан қатъи назар, зиммаларига олган барча мажбуриятлар ўзаро бажарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Маълумот учун: кўчмас мулкнинг сотувчи томонидан топширилиши ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши тарафлар имзолайдиган топшириш далолатномаси ёки топшириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатга биноан амалга оширилади.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириш мажбурияти бу мулк сотиб олувчига топширилганидан ва топшириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни тарафлар имзолаганидан кейин бажарилган ҳисобланади (ФКнинг 486-моддаси 1, 2-қисмлари).

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 71-236-76-46, 71-233-74-95, 71-233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҲРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсатиш – 186, Қороз б.ч.и.и. – А3, Ҳуж.и. – 2 босма табоқ, Баҳоси келгичиган нарида.
Буюртма 450. Адади 810. Газета 2018 йил 29 октябрь соат 15.30 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ёқазиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рақамларига мурожаат қилиш мумкин.